

Фиқҳ дарслари (129-дарс). Нажосатнинг турлари (иккинчи мақола)



16:00 / 25.03.2021 5311

يَبْن لِرْبُوْثْ نَمَّ بَأْنَجْلَلْ سْعَأْ تْنَكْ : تَلْأَقْ أَهْنَعْ هَلْلَأْ صَرَشْئَأْ عَنْ
وَبْوَثْ يَفْءَامْلَأْ عَقْبَنْأَوْهَالْصَلَا تَلْأَجْرَحَيَفَمَلَسَوْهَيَلَعْ هَلْلَأْ هَلَصْ
هَسْمَحْلَأْ وَرْ.

Оиша розияллоху анҳо айтади:

«Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг кийимларидан жунублик асарини ювиб қўяр эдим. Ул зот кийимларидағи сувнинг ҳўли билан намозга чиқар эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Оиша онамизнинг «жунублик асарини» дейишлари «манийнинг асари» деганларидир. Чунки инсон маний чиқиши билан жунуб бўлади.

هَلْلَأْ هَلَصْ هَلْلَأْ لُسَرْ بَوَثْ نَمَّ يَنْتَيَأْرَدَقَلْ : تَلْأَقْ أَهْنَعْ وَ
يَرَأْخَبْلَأْ آلَأْ سَمَحْلَأْ هَأْوَرْ هَيَفَ يَلَصُيَفَ آلَرَفَمَلَسَوْهَيَلَعْ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Мен Расууллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кийимларидан манийни яхшилаб уқалаб ташлар эдим. Ул зот ўша кийимда намоз ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Махси жисми бор нажасдан уни ерга ишқаш билан пок бүлади.

Махси ва бошқа пойабзаллар шу тариқа покланади.

هُل لَا يَصْرِرَةً رِّئَرُه يَبَأْ نَعْ مَكَاحْلَأَوَمَمْيَزْخُنْبَأَوَنَّاَبَحُنْبَأَوَدُواَدُوبَأَيَورَىَذَالَأُمُكْدَحَأَئَطَوَأَذَإِ» بَلَاقُهَنَأَمَلَسَوَهَيَلَعُهَلَلا يَلَصَّيَبَنَلَانَعُهَنَعَبَأَرَتَلَأَمَهُرُوهَطَفَهَيَفُخَبَ.

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон, Ибн Хузайма ва Ҳоким Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилған ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон бирортангиз оёқ кийими ила ахлатни босса, уларнинг поклиги тупроқ биландир», деганлар.

Абу Довуд ва Таҳовий Абу Саъиддан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайхی васаллам:

«Қачон бирортанғыз масжидга келса, қарасин. Агар икки кавушида ифлос ёки ахлатни күрса, артсын ва иккиси билан намоз үқийверсін», деганлар.

Ундан бошқасидан фақат ювиш билан пок бўлади.

Жисми йўқ суюқ нажосат оёқ кийимиға сингади. Уни артиш билан кетказиб бўлмайди. Балки ювиш керак.

Қилич ва унга үхшаш нарсалар масҳ билан тозаланади.

Ўша вақтдаги сайқалланган қиличларга сув тегса, сифати бузилған. Шунинг учун уларни артиб тозаланған. Саҳобаи киромлар шундай қылғанлари ҳақида ривоятлар келған.

Гилам устидан бир кеча сув оқизиш билан пок бўлади.

Кундузи бўлса ҳам ҳечқиси йўқ. Муҳими – муддат. Шундай қилинса, гиламдаги нажосат қолмайди.

Ер ва ўсиб турган қамишдан ясалган капа ва ўт-ўланларга ўхшаш ерга ёпишган нарсалар қуриши ва (нажосат) асарининг кетиши билан намоз учун пок бўлади, таяммум учун пок бўлмайди.

Бу нарсалар ердан ажрамагани учун, уларни ювиб, сиқишининг ёки ёйиб қуритишнинг иложи йўқ. Улар қуёшда, шамолда ёки оловда қуритилади ёки нажосат асари кетказилади.

Бу услуг ила тозаланган нарсаларда намоз ўқиса бўлади. Аммо уларга қўлни уриб, таяммум қилиш жоиз эмас. Асл тупроқнинг тозалиги Қуръони Каримда келган. Нажосатдан мазкур услуг ила тозаланган тупроқ унинг даражасига етмагани учун таяммум қилишга ярамайди.

Отнинг ва ейиладиган ҳайвонларнинг пешоби ва ейилмайдиган қушнинг ахлати каби енгил нажосатда кийимнинг тўртдан биридан ози афв қилинади.

Енгил нажосатнинг «енгил» деб аталишига сабаб, уларнинг нажаслиги ҳақида ривоятлар ҳар хил келганидир. Баъзилари «нажас» деса, бошқалари «нажас эмас» деган. Нажаслиги ғолиб бўлган. Шунинг учун уни «енгил нажосат» дейилган.

Мазкур нажосатдан кийимнинг тўртдан бирига ва ундан озига тегса, афв бўлгани учун намоз ўқиса бўлаверади. Бадандан бир аъзонинг тўртдан бирига тегса, афв қилинади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди